XALQ DEPUTATLARI SERGELI TUMANI KENGASHI
QARORI

2022 - yil 25 - noyabr II-75-176-14-201-K/22 Sergeli tuman hokimligi

2022 йилги Сергели туман маҳаллий бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 30, 150 ва 127-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 1111-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Йўриқномага, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 4 январдаги 1-сонли буйруғига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-165-14-К/21-сонли ҳамда халқ депутатлари Сергели тумани Кенгашининг 2022 йил 7 январдаги “Сергели туманининг 2022 йил учун маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-59-2-14-201-К/22-сонли қарорлари ижроси юзасидан халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-165-14-К/21-сонли ҳамда халқ депутатлари Сергели тумани Кенгашининг 2022 йил 7 январдаги “Сергели туманининг 2022 йил учун маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-59-2-14-201-К/22-сонли қарорлари асосан Сергели туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги даромадлар ва харажатлари ёйилмаси баланслашган ҳолда 116 779 544,0

минг сўм этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 30, 148 ва 150-моддалари, Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда “Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2080-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низомга биноан 2022 йилнинг иккинчи ярми Сергели туман маҳаллий бюджетининг параметрлари доирасида маҳаллий бюджетдан маблағ олувчи бюджет ташкилотларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган биринчи даражали тўловларини ўз вақтида молиялаштириш мақсадида 1-иловага мувофиқ харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 127-моддасининг 4-хатбошисига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 1111-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Йўриқномага асосан 2-иловага мувофиқ Сергели туман маҳаллий бюджет параметрлари доирасида солиқлар ва йиғимлар бўйича йил якунига қадар бажарилмаслик хавфи мавжуд бўлган, солиқ тушумлари камайган ва мавжуд қувватларда ишламаётганлигини инобатга олиб 2022 йилги даромадлар режасини 5 097 412,0 минг сўмга қисқартириш ҳамда туман маҳаллий бюджетдан маблағ олувчи бюджет ташкилотларининг 2022 йилги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш мобайнида соҳалар кесимида сақлаб туриш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ва бошқа) харажатлари бўйича бўшаб қолган ва иқтисод қилинган 5 097 412,0 минг сўм маблағ мақбуллаштириш юзасидан киритилган туман ҳокимлиги таклифи маъқуллансин.

4. Сергели туман ҳокимлиги (А.Жумабоев), туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Қосимов) ва туман молия бўлими (Э.Мардиев)ларга:

Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси билан келишилган ҳолда 2022 йилги туман маҳаллий бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин ва мазкур харажатлар мақбуллаштирилсин.

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси билан келишилган ҳолда 2022 йилги белгиланган даромадларнинг прогноз кўрсаткичларини қисқартириш юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига киритилсин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Сергели туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Р.Бахритдинов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши раиси **Э.Шукуров**

Xalq deputatlari Sergeli tuman
Kengashining
2022 yil 25 noyabrdagi
II-75-176-14-201-K/22-son qaroriga
1-ilova

Сергели тумани маҳаллий бюджет харажатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида

№	Соҳалар	Киритилаётган ўзгартиришлар		
		Камайди	Кўпайди	Харажатлар миқдори, жами (минг сўм)
1	**Халқ таълими соҳаси**	**239 000,0**	**656 531,0**	**417 531,0**
2	**Мактабгача таълим соҳаси**	**135 053,0**	**44 300,0**	**-90 753,0**
3	**Соғлиқни сақлаш соҳаси**	**1 057 376,0**	**750 000,0**	**-307 376,0**
4	**Маданият соҳаси**	**281 000,0**	**524 726,0**	**243 726,0**
5	**Жисмоний тарбия ва спорт**	**1 333 480,0**	**1 251 000,0**	**-82 480,0**
6	**Ижтимоий нафақалар**	**3 497,0**		**-3 497,0**
7	**Ижтимоий кўникма марказлари**	**1 110,0**		**-1 110,0**
8	**Ободонлаштириш соҳаси**	**169 000,0**	**169 000,0**	**0,0**
9	**Давлат бошқарув органларини**	**876 598,0**	**758 900,0**	**-117 698,0**
	Молия бўлими	*130 000,0*		-130 000,0
	Давлат ҳокимият органлари	*400 000,0*	*530 000,0*	130 000,0
	Маданият бўлими	*2 405,0*	*1 900,0*	-505,0
	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази	*7 388,0*	*6 000,0*	-1 388,0
	Халқ қабулхонаси	*1 261,0*		-1 261,0
	Кенгаш котибияти	*7 000,0*		-7 000,0

	Ёшлар ишлари агентлиги бўлими	*132 500,0*	*65 000,0*	-67 500,0
	Оила ва хотин-қизлар бўлими	*317 970,0*	*286 000,0*	-31 970,0
	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш	*8 074,0*		-8 074,0
10	**Ўзини ўзи бошқариш органлари**	**118 343,0**	**60 000,0**	-58 343,0
11	**Заҳира жамғармаси**			0,0
Жами		**4 214 457,0**	**4 214 457,0**	**0,0**

Xalq deputatlari Sergeli tuman
Kengashining
2022 yil 25 noyabrdagi
II-75-176-14-201-K/22-son qaroriga
2-ilova

Сергели тумани маҳаллий бюджет параметрларининг даромадлар ва харажатларини мақбуллаштириш тўғрисида

№	Йўналишлар	Тасдиқланган режа маблағ миқдори (минг сўм)	Мақбуллаш тириш миқдори (минг сўм)	Аниқланган режа маблағ миқдори (минг сўм)
Даромадлар ЖАМИ		**116 779 544,0**	**5 097 412,0**	**111 682 132,0**
1	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	7 107 000,0		7 107 000,0
2	Акциз солиғи:	32 829 544,0	0,0	32 829 544,0
	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	15 516 000,0		15 516 000,0
	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	6 552 852,0		6 552 852,0
	Мобил алоқага акциз солиғи	3 733 109,0		3 733 109,0
	Тамаки маҳсулоти учун акциз солиғи	7 027 583,0		7 027 583,0
3	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи	5 424 000,0		5 424 000,0
4	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	10 803 000,0		10 803 000,0

5	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	9 538 000,0		9 538 000,0
6	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 528 000,0		6 528 000,0
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	26 742 000,0	5 097 412,0	21 644 588,0
8	Айланмадан олинадиган солиқ	14 299 000,0		14 299 000,0
9	Давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар	3 509 000,0		3 509 000,0
Харажатлар ЖАМИ		**116 779 544,0**	**5 097 412,0**	**111 682 132,0**
1	Халқ таълими соҳаси	7 260 345,0	10 000,0	7 250 345,0
2	Мактабгача таълим соҳаси	13 500 596,0	301 216,0	13 199 380,0
3	Соғлиқни сақлаш соҳаси	42 928 705,0	1 511 745,0	41 416 960,0
4	Маданият соҳаси	2 808 788,0		2 808 788,0
5	Жисмоний тарбия ва спорт	4 371 434,0	158 841,0	4 212 593,0
6	Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	86 400,0	50 565,0	35 835,0

7	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	7 743 014,0		7 743 014,0
8	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	28 679,0	28 679,0	0,0
9	Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	6 387,0		6 387,0
10	Ижтимоий кўникма марказлари	220 285,0		220 285,0
11	Ободонлаштириш соҳаси	12 875 453,0		12 875 453,0
12	Туман (шаҳар) бюджетлари прогнозларига маҳаллабай ишлаш тизими учун даромадлар режасини орттириб бажарилган қисмининг 5 фоизи қўшилмоқда	770 162,0		770 162,0
13	Давлат бошқарув органларини	8 215 862,0	148 248,0	8 067 614,0
14	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	9 352 698,0	2 888 118,0	6 464 580,0

15	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	5 508 447,0		5 508 447,0
16	Захира жамғармаси	1 102 289,0		1 102 289,0